*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2013 йил 26 декабрь, пайшанба, 52 (528)-сон

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com.
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



**Тадбиркор қонунга суянади**

3 ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА



**Мижоз манфаати — асосий масала**

4 КИЧИК БИЗНЕС



**Энг муҳими — электорат ишончини қозониш**

5 ҚУЙИ БЎҒИН

2014 — «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

## ЭЛОБОДДА ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ



**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 4 январда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасидаги 18 массивда 550 та турар-жой қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.**

**Олис овулларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган бу уй-жойлар замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт майдончалари, кенг ва равон йўллар, турли инфратузилма иншоотлари билан уйғунликда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юбормоқда.**

**Қўнғирот сода заводининг ишчилар шаҳарчаси — Элобод аҳоли пунктида ҳам ана шундай 30 та турар-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

**Янги йил байрами арафасида ёш ишчи, истиқлол тенгдоши Пўлат Жақсимуратов ота-онаси билан ана шу уйлардан бирига кўчиб ўтиб, ҳовли тўйини ўтказди.**

**— Бу уй бизга ажойиб байрам совғаси бўлди, — дейди Пўлат. — Янги уйда яратилган шароит ва қулайликлар худди онажоним орзу қилгандай. Ишхонамга ҳам яқин.**

**Янги уйлар Элликқалъа туманидаги «Шимол аёз» ҳамда Чимбой туманидаги «Иншоот» ва «Нурназар Назар» масъулияти чекланган жамиятлари қурувчилари томонидан бунёд этилди.**

(ЎзА).

# Депутат ва сайловчи

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувларида Президентимиз Ислом Каримовнинг **«Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир»** номли маърузасида белгилаб берилган вазифалар, илгари сурилган ғоялар юртдошларимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда

— Айниқса, давлатимиз раҳбарининг оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш масаласи олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шартлиги хусусидаги фикрлари бошқа юртдошларимиз қатори хоразмликлар дилидаги гаплар бўлганини сайловчилар алоҳида эътироф этдилар, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуротова. — Мазкур тадбирларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, «Соғлом она – соғлом бола» концепцияси доирасида тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланиб, 2014 йилнинг «Соғлом бола йили», деб эълон қилиниши ана шу соҳадаги ишларни янги, янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди. Шу ўринда ҳар бир учрашув юртдошларим онги, дунёқараши юксалганини, уларнинг жаҳонда ҳамда мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга бефарқ эмасликларини кўрсатаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Айниқса, ёш сайловчиларнинг давлат ва ҳудудий Дастурлар ижроси, улар юзасидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш тўғрисидаги фикрлари янги авлод вакилларининг дахлдорлик ҳисси билан яшаётганларини кўрсатяпти.

Шу ўринда учрашувлар даврида сайловчилар маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди идоралар фаолиятига баҳо бераётганлари, қўлга киритилган ютуқлар баробарида айрим ҳолларда улар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар ислоҳотлар йўлига тўсиқ бўлаётгани ҳам тилга олинганини қайд этиш лозим.

3 ▸▸



Солих ЗОИР олган суратлар

# O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида

**Кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди**

Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир» номли маърузасида белгилаб берилган йўналишлар, устувор масалалар моҳиятини аҳолининг барча қатламлари орасида кенг тушунтиришда партия олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

2 ▸▸

АКС-САДО

## ҚИШЛОҚ МУЛКДОРИ ИШОНЧНИ ОҚЛАЙДИ

**Ботир РАСУЛОВ,**
**«Байналминал плюс» фермер хўжалиги раҳбари:**



— Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бугунги фермер замон билан ҳамнафас бўлиши, давр талабларини теран англаши, нафақат халқимиз фаровонлигини юксалтириш, балки мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ҳам, сиёсатда ҳам, ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожида ҳам ҳал қилувчи кучга айланиши лозим.

Ана шундай ҳаётий тамойиллардан келиб чиқиб, туманимиз фермерлари ўз фаолиятларини изчил такомиллаштиряптилар.

Ихтиёримизда 34 гектар узумзор, 12 гектарли боғ бор. 50 нафар ишчи ёрдамида узумнинг баяншири, тоифи, хўраки, сояки, оқ ва қора кишмиш навлари етиштирилмоқда. Бу йил об-ҳаво яхши келди. Токларни кесиб-кўмиш, очиш, қатор ораларига ишлов бериш ва суғориш ишлари ўз вақтида бажарилгани учун ҳосилдорлик кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Шунинг орқасидан 78 млн. сўм соф даромад олдик. Шираси тилни ёрадиган бу узумларнинг довруғи нафақат юртимизда, балки қўшни мамлакатларда ҳам машҳур. Шу боис анчадан бери маҳсулот экспортини йўлга қўйишни мақсад қилиб юрган эдим.

Ўтган ҳафта O`zLiDePнинг Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан ҳамкорликда Паркент туманида ташкил этган очиқ мулоқоти зиммамиздаги вазифаларни яна бир бор таҳлил этишга туртки бўлди. Тадбирда туман миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни икки баробар, қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини изчил оширишга мўлжалланган уч йиллик дастур ишлаб чиқиш кўзда тутилаётгани паркентлик фермерларнинг дунё бозорига дадил киришлари учун катта имконият яратиши таъкидланди.

## САККИЗ МИЛЛИОН ЙЎЛОВЧИНИНГ УЗОҒИ ЯҚИН БЎЛДИ

**Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда йўловчиларга замонавий сервис хизмати кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишлар, 2013 йилда қўлга киритилган ютуқлар ҳамда келгуси йил учун ишлаб чиқилган режалар хусусида сўз юритилди.**

**«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК бошқаруви раиси ўринбосари Шерзод Исматуллаев 2013 йилда компания саккиз миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатгани, тизим фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида 17 та йирик лойиҳа амалга оширилганини маълум қилди. Чунончи, темир йўлларнинг яна 140 километрлик қисми электрлаштирилди, элликдан ортиқ кўприк қурилди, сайёҳликни ривожлантириш учун «Afsona» ва «Orient Silk Road Express» номли икки махсус туристик поезд йўналиши ишга туширилди.**

**Қизиқарли руҳда ўтган тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.**

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# Ватаним тақдири — менинг тақдирим

Ватан ҳимоячилари куни олдидан ўтказилаётган ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги доирасида Фарғона вилоятида ҳам ўқув юртлари, маҳалла ва меҳнат жамоаларида турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этилмоқда

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган, юксак маънавиятли инсонлар бўлиб вояга етиши, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш тизимда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг бош мақсадидир.

Вилоятдаги барча умумтаълим масканларида ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги доирасида ҳарбийлар ва фахрийлар иштирокида «Жасорат дарслари», «Авлодлар учрашуви», «Эъзоз», «Эҳтиром», «Аждодлар қаҳрамонлиги — ёшларга ибрат» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. «Буюк саркардаларимиз ҳаётидан» номли туркум маънавият дарсларида эса «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида яратилган бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилаётир.

«Ватаним тақдири — менинг тақдирим» номли иншо, расм, деворий газета, фотосуратлар танлови, «Юрт тинчлигига барчамиз масъулмиз» шиори остидаги ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқларидан иборат концертлар, амалий ва техника йўналишидаги спорт тўгараклари иштирокчилари ўртасидаги мусобақалар, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари иқтидорли ўқувчиларни аниқлашга хизмат қилмоқда.

— Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур ойликнинг асосий мақсади ёшларни мард ва жасур этиб тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлаш ва мамлакатимиз Қуролли Кучларида кечаётган ислоҳотлар моҳияти билан яқиндан таништиришдан иборатдир, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи З.Тешабоев. — Ойлик доирасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 22 йиллиги олдидан ўтказилаётган тадбирлар жойларда кўтаринки руҳда, юксак савияда ташкил қилинмоқда. Ҳарбийлар, фахрийлар билан учрашувлар, тарбиявий соатлар, ижодий танловлар, концертлар, спорт мусобақалари шулар жумласидандир.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 24 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | |
|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ | 1965,64 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ | 3599,19 |
| 1 Дания кронаси | ▼ | 403,74 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 599,57 |
| 1 АҚШ доллари | ▲ | 2202,15 |
| 1 Миср фунти | ▲ | 319,75 |
| 1 Исландия кронаси | ▲ | 18,93 |
| 1 Канада доллари | ▼ | 2068,91 |
| 1 Хитой юани | ▲ | 362,73 |
| 1 Малайзия ринггити | ▼ | 668,64 |
| 1 Польша злотийси | ▲ | 724,42 |
| 1 СДР | ▼ | 3379,64 |
| 1 Туркия лираси | ▼ | 1054,97 |
| 1 Швейцария франки | ▼ | 2458,31 |
| 1 ЕВРО | ▲ | 3028,91 |
| 10 Жанубий Корея вони | ▲ | 20,76 |
| 10 Япония иенаси | ▼ | 211,64 |
| 1 Россия рубли | ▲ | 66,77 |
| 1 Украина гривнаси | ▲ | 275,51 |

«XXI ASR» 52 (528)-сон, 26.12.2013 йил, пайшанба, web sayt: www.21asr.uz

Сармояларнинг катта қисми ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга йўналтирилади.

Биз эришилган ютуқлардан хотиржамликка берилмаслигимиз лозим.

МУНОСАБАТ

# Янги йил бюджети электорат учун янги имкониятлар яратади

**2014 йилда фойда солиғи базавий ставкасининг 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилиши O`zLiDeP электорати бўлган минг-минглаб тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 132 млрд. сўм атрофида маблағ қолишидан далолат беряпти**

**Насим АЛИМОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Ҳақиқатан ҳам якунланаётган 2013 йил Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш учун салмоқли ишлар амалга оширилган йил сифатида тарихга айланяпти.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози қатор давлатларни оғир аҳволга солиб қўйган бир пайтда юртимизда барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётгани, оқилона солиқ ва бюджет сиёсати юритилаётгани аҳоли турмуши ва фаровонлиги учун мустаҳкам асос бўлмоқда.

> O`ZLIDEP 2014 ЙИЛДА ҲАМ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИГА АЙЛАНГАН ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ДАВЛАТ БУЮРТМАЛАРИНИ БАЖАРИШДА УЛАРНИНГ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИГА КЎПРОҚ ТАЯНИШ ЛОЗИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

«Соғлом бола йили»да амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар ҳақида сўз борганда, албатта, 2014 йилга мўлжалланган Давлат бюджетида жамиятни янгилаш ва модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, юқори тараққиёт суръатларига эришиш, мамлакат ижтимоий ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш билан боғлиқ устувор вазифаларнинг молиявий асослари мустаҳкамлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини босқичма-босқич камайтириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар ҳам тўла қамраб олинган.

Умуман, 2014 йилги бюджет сиёсати концепциясида кўзда тутилган асосий масала — бу маблағларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини кенгайтириш, аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш, маҳаллий бюджет барқарорлигини таъминлаш ҳисобига турмуш фаровонлигини янада оширишдан иборат. Айни пайтда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни 17,6 фоизга ошириш мўлжаллангани, ўз навбатида, фуқароларнинг харид қобилиятини сезиларли даражада ошириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Янги йил давлат бюджетида сарф-харажатлар учун иқтисодиёт соҳасига 3385,3 млрд. сўм, яъни ЯИМга нисбатан 2,4 фоиз маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бюджет ҳисобига молиялаштириладиган марказлашган инвестициялар ҳажми 1500,0 млрд. сўмни ёки ЯИМга нисбатан 1,0 фоизни ташкил этади. Сармояларнинг катта қисми қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш ва янги яшаш жойларида ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга йўналтирилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, давлат бюджети муҳокамалари чоғида O`zLiDeP фракцияси аъзолари ҳам таҳлилий хулосалар асосида бюджет тизимини такомиллаштириш ва ижросини таъминлаш юзасидан муҳим таклифларни ўртага ташлаган эдилар. Муҳокамалар давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ягона қонун ҳужжати — Бюджет кодексининг амалиётга киритилгани яқин келажакка мўлжалланган бюджетни режалаштириш, молиявий сиёсатни бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада мукаммаллаштириш, бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади, албатта.

Бу эса электоратимиз бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва қишлоқларимиздаги етакчи кучга айланган фермерлик соҳасига қаратилаётган эътибор, яратилаётган катта имкониятларни янада кенгайтиради. Бинобарин, O`zLiDeP 2014 йилда ҳам иқтисодий тараққиётнинг етакчи кучига айланган хусусий секторни янада ривожлантириш, давлат буюртмаларини бажаришда уларнинг куч ва имкониятларига кўпроқ таяниш лозим, деб ҳисоблайди.

Фракциямиз аъзолари 2014 йилги солиқ-бюджет сиёсати концепцияси ва давлат бюджетида жаҳон иқтисодиётида давом этаётган мураккаб шарт-шароитдан келиб чиқиб, мамлакатимизда молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилганлигини алоҳида эътироф этдилар.

Шу билан бирга фракция маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш, ҳудудларда мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва тубдан ислоҳ қилиш, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди.

# O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**

> ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МАЪРУЗАСИДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАР АСОСИДА O`ZLIDEP ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Тадбирга тайёргарлик кўриш жараёнида партия фаоллари ва депутатлардан иборат махсус гуруҳ жойларда бўлиб, юртдошларимиз, айниқса, электорат вакилларига маърузада баён этилган фикр-мулоҳазалар ва мантиқий хулосаларнинг моҳияти ҳамда кенг кўламли ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад ҳамда парламентнинг бугунги фаолияти ҳақида атрофлича маълумотлар берганини таъкидлаш жоиз.

Ана шундай очиқ мулоқотлар давомида Президентимиз маърузаси тадбиркор ва ишбилармонлар, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерлар томонидан кўтаринки руҳда кутиб олингани, ҳар бир фуқарода истиқлол йилларида эришилган бекиёс натижалардан фахрланиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тақдири учун бир ёқадан бош чиқариб фаолият юритишга ундагани алоҳида қайд этилди.

Қўшма мажлисда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев Юртбошимиз маърузасининг тарихий аҳамиятига тўхталиб, ушбу муҳим ҳужжат мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш, миллий давлатчиликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган дастурий маъруза эканини таъкидлади.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам қулай муҳит яратилди, — деди С.Турдиев. — Хусусан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» (янги таҳрирда), «Хусусий мулк ҳимояси ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиндики, улар мамлакатда қулай бизнес муҳитини яратиш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш, уларга кенг эркинликлар бериш ҳамда мулкий муносабатларни ҳал этишда ҳам муҳим роль ўйнади.

Тадбир иштирокчилари, шунингдек, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини кўппартиявийлик тизими, кучли парламент институти, ҳокимиятлар бўлиниши тамойилларисиз тасаввур этиб бўлмаслигини қайд этдилар.

Шу ўринда кейинги уч йил мобайнида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида Бош қомусимизнинг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани, бир қатор муҳим қонунлар қабул қилингани туфайли давлатчилик тизимида парламент ҳамда сиёсий партиялар ролини янада ошириш имконияти кенгайганини таъкидлаш жоиз. Натижада сиёсий партиялар ўзларининг дастурий мақсадларини изчил амалга ошириш, вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари ҳамда парламентда қонун ижодкорлиги билан янада кенгроқ шуғулланиш учун қўшимча ваколатларга эга бўлдилар.

Шу нуқтаи назардан мажлисда бундай имконият ва ваколатлардан O`zLiDeP ва унинг парламентдаги фракцияси мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, жойларда қонунни қўллаш амалиётини назорат қилиш, дастурий вазифалар ва Сайловолди платформасини амалга оширишда қай даражада фойдаланилаётгани танқидий жиҳатдан кўриб чиқилди. Жумладан, O`zLiDeP дастурий вазифаларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва ташаббусларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамият қурилишининг асосий жиҳатлари бўйича таклифларни тайёрлаш ва бошқа масалалар юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

Партия электорати вакиллари манфаатига дахлдор масалалар юзасидан ижроия ҳокимияти органлари мутасаддиларининг ахборотларини эшитишда фракция ва партия гуруҳларининг фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Қўшма мажлис иштирокчилари томонидан, шунингдек, ҳар жиҳатдан етук, соғлом авлодни вояга етказиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. O`zLiDeP аъзоларининг фикрича, ёшлар мамлакатимизнинг эртасигина бўлиб қолмай, давлат ва жамият истиқболини таъминлашнинг ҳал қилувчи кучи ва таянчидир. Ўз мустақил фикри ва етук ақлий салоҳиятга эга бўлган, мамлакат келажаги учун ўзини масъул деб билган жисмонан соғлом, маънан етук авлодгина мустақил мамлакатимизнинг демократик давлатни шакллантириш ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги муваффақиятлари гарови бўла олади. Шу билан бирга, йиғилишда ёшлар салоҳиятини юксалтириш мамлакатимизнинг буюк келажагига йўналтирилган инвестиция эканига ҳам эътибор қаратилди.

Қўшма мажлисда партиянинг истиқболдаги режалари муҳокама этилиб, Президентимиз маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосида O`zLiDeP тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## СЎЗ — ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Полянте СВЕШНИКОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси:**

— Бугунги йиғилишда биз Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳиятини муҳокама қилдик ва унда белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида ўз фаолиятимизга танқидий баҳо бердик.

Тан олиш керак, бизнинг партиямиз ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қонунчилик асосини таъминлаш борасида берилган ваколат ва яратилган имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланаётгани йўқ. Хусусан, парламент назорати суст олиб борилмоқда. Ижроия ҳокимияти органлари вакилларининг партия электорати манфаатига таааллуқли масалалар бўйича ҳисоботларини эшитишга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти. Шунингдек, парламентдаги фракциялараро рақобат ҳам қониқарли аҳволда эмас.

Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбарининг маърузасида депутатлар фаолияти асосли равишда танқид остига олинди. Чиндан ҳам бизнинг қонунчилик фаолиятимиз ҳаёт ҳақиқати ва бугунги кун талабларига жавоб бермайди, тез ўзгарувчан воқеликдан ортда қолмоқда. Бунга биз яқинда сайловчилар билан бўлиб ўтган бевосита учрашувларда яна бир бор амин бўлдик. Масалан, сайловчилар томонидан ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ кўплаб масалалар кўтарилиб, айрим қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш имкониятини кўриб чиқиш таклиф қилинди. Шу маънода депутатларнинг сайловчилар манфаатига дахлдор масалаларни ечишдаги суст иштироки партия электорати томонидан ҳақли эътирозга сабаб бўлмоқда.

Қизғин ўтган муҳокамалар якуни бўйича биз тегишли қарор қабул қилдик. Унда, жумладан, O`zLiDePнинг барча партиявий тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган комплекс чораларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

**Фармон АМИНОВ, O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси:**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасида келтирилган иқтисодий ўсиш ва мамлакат ижтимоий фаровонлигини характерловчи рақамлар биз танлаб олган тараққиётнинг эволюцион, босқичма-босқич ва изчил модели нақадар тўғрилигини яна бир бор исботлаб турибди. Республикамизнинг барча минтақаларида кенг кўламли қурилиш ишлари олиб боriляпти, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгаряпти, халқнинг фаровонлиги ошмоқда. Дунёдаги кўпгина мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари пасаётган бир даврда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати кейинги йилларда 8 фоиздан тушмаяпти.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни муваффақиятли ривожлантириш, шунингдек, республика ҳудудларига хорижий сармоялар ва замонавий технологияларни жалб қилиш учун барча шароитлар яратилган. Саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари пасайтирилган, кичик саноат корхоналарини жойлаштиришга ер ажратиш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилиб, уни ривожлантириш учун банк кредитларини олиш тизими соддалаштирилди.

Буларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасини муттасил ошириб боришга мустаҳкам замин яратмоқда. Бундай ўзгаришларнинг энг муҳим натижаси эса халқимиз мустақилликнинг қадр-қимматини теран ҳис қилиб, ўз тақдири ўзининг қўлида эканлигини англаб етганидадир.

Лекин биз эришилган ютуқлардан хотиржамликка берилмаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳам O`zLiDeP мамлакатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашда давом этаверади.

**Абдуқодир ТОШПЎЛАТОВ, O`zLiDeP «Ёшлар қаноти» вакили:**

— Бугунги йиғилишда давлатимиз раҳбари маърузасида айтиб ўтилган ҳар томонлама ривожланган соғлом авлодни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас. Чунки O`zLiDeP ёшлар нафақат мамлакат келажаги, балки давлат ва жамиятни ривожлантиришга қаратилган мақсадларимизга эришишнинг асосий таянчи ва ҳал қилувчи кучи эканлигига қатъий ишонади. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги муваффақиятларнинг гарови бу мустақил фикр ва юксак салоҳиятга эга жисмонан соғлом ва маънан бой, Ватан тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш авлоддир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, O`zLiDeP ёшлар салоҳиятини юксалтириш буюк келажакка йўналтирилган сармоя, деб ҳисоблайди.

Бугунги йиғилишда биз «Соғлом бола йили»да амалга оширилиши керак бўлган, аниқ мақсадга қаратилган партиявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтдик. Ушбу лойиҳалар доирасида ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий маданиятини ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, оиланинг иқтисодий, маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, болаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, «Ёшлар» ҳамда «Аёллар» қанотларининг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кучайтиришга оид тадбирлар ҳам белгилаб олинди.

Ғолибларга O`zLiDeP
вилоят кенгашининг махсус диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Оилавий
тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар юксак самаралар бераётир.

## O'ZLIDEP МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Самарқанд.**
«Парламентда менинг ўрним» партиявий лойиҳаси доирасида «Агар мен депутат бўлсам...» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. O`zLiDeP фаоллари, «Камолот» ЁИҲнинг вилоят ва шаҳар кенгашлари масъул ходимлари, депутатлар ҳамда иқтидорли талабалар қатнашган тадбирда иштирокчилар тақдимоти Ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.
— Лойиҳа доирасидаги тадбирларимиз ёшлар учун ўзига хос сиёсий мактаб бўлаяпти, — дейди O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Р.Қобилов. — Анъанавий тарзда ўтказилаётган ушбу лойиҳада йил мингдан ортиқ фаол, иқтидорли ёшлар иштирок этишди.
— Кўрик-танловда қатнашиб, депутатлик фаолияти жиддий ва масъулиятли вазифа эканини англадим, — дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти 4-босқич талабаси Сирожиддин Халилов. – Танловда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида тайёрлаган дастуримда мамлакатимизда туризмни ривожлантириш масаласига эътибор қаратдим. Танлов якунида уч нафар ғолиб иштирокчига республика босқичига йўлланма берилди.

***



**Қашқадарё.**
«Агар мен депутат бўлсам...» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари номи эълон қилинди.
Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, танловнинг «Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати» номинациясида Қарши Давлат университети қошидаги 2-академик лицей талабаси Моҳигул Шукурова, «Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати» номинациясида Чироқчи Транспорт касб-ҳунар коллежи талабаси Нозима Тўраева, «Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаши депутати» номинациясида эса «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миришкор туман кенгаши мутахассиси Бекзод Раҳмонов ғолиб, деб топилдилар. Шунингдек, «Энг ёш депутат» номинациясида Чироқчи Транспорт касб-ҳунар коллежи талабаси Рамазон Абдувалиев ғолиб бўлди. Кўрик-танловнинг «Энг ташаббускор депутат» номинациясида Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали талабаси Дурдона Кўқонбоева, «Энг ёш либерал ғоялар тарғиботчиси» номинацияси бўйича Яккабоғ Саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Гулзода Мейлиева, «Энг мукаммал тузилган дастур» номинациясида ТАТУ Қарши филиали ўқитувчиси Дилафрўз Нуржабова, «Қонун ижодкорлиги ғояси акс этган дастур» номинациясида эса Қарши Давлат университети талабаси Тўлқин Саидмуродовга тенг келадиганлар топилмади. «Ёшлар манфаатлари ёритилган энг яхши дастур» номинациясида ҳам ТАТУ Қарши филиали талабаси Гули Абдиеванинг қўли баланд келди. Ғолибларга O`zLiDeP вилоят кенгашининг махсус диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

# Депутат ва сайловчи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**

Аксарият учрашувларда эса парламент қуйи палатасида муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари юзасидан ҳам аниқ таклифлар билдирилди. Бундай учрашувлар албатта O`zLiDeP фракцияси фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Барно Абдуллаева эса сайловчилар кўпроқ «Соғлом бола йили» Давлат дастури учун таклифлар берганларини таъкидлади.

— Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида уюштирилган 7 та учрашувда ҳам сайловчилар Президентимиз томонидан 2014 йилга «Соғлом бола йили» дея ном берилиши барча юртдошларимиз дилидаги гап бўлганини билдирдилар, — дейди Б.Абдуллаева. — Шу ўринда «Қашқар» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Шерқўзи Қаҳҳоров, Андархондан Барчиной Отақўзиева ҳамда Навқат қишлоғилик Гулнорахон Ҳайдарова дунёда молиявий-иқтисодий инқироз асоратлари бартараф этилмаган бир пайтда Ўзбекистонда нафақалар миқдори 17 фоиздан зиёдга оширилаётгани, туманда 4174 та янги иш ўрни яратилаётгани учун Юртбошимиз ва ҳукуматимизга миннатдорлик билдирганларини таъкидлашни истардим.

Андархон, Қашқар ва Бешсари қишлоқларидаги юзма-юз мулоқотларда эса Давлат дастури асосида тайёрланадиган маҳаллий дастурлар ижросини назорат қилишда маҳаллий кенгаш депутатлари масъулиятини янада ошириш масалалари тилга олинди. Депутатлар олдига бундай талаблар қўйилаётгани бежиз эмас, албатта. Зеро, депутат халқ хизматкори. У сайловлар даврида муайян ваъдалар берган. Ўз партиясининг ғоя ва мақсадларини илгари суриб, сайловчи ишончини қозонган. Президентимизнинг Конституция кунидаги маърузасида сиёсий партиялар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилганини ҳам сайловчилар қайта-қайта такрорламоқдалар. Биз эса бундан тегишли хулосалар чиқаришимиз керак, албатта.

— Партия электорати ва аҳолининг кенг қатламлари билан очиқ мулоқотда бўлиш, фикр-мулоҳазаларини эшитиш, билдирилган таклифларни ўрганиш депутатларнинг асосий вазифаларидан бири, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Полянте Свешников. — Учрашувлар нафақат қабул қилинган қонунлар аҳамияти, балки парламентда муҳокама этилаётган янги ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар олишда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, 1-Тошкент педагогика коллежи биносида «Катта Қозиробод», «Наққошлик», «Катта Дўмбиробод» ва бошқа маҳаллаларда истиқомат қилувчи 95 киши қатнашган учрашувда ана шу масалалар юзасидан қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Депутатнинг таъкидлашича, сайловчилар Юртбошимизнинг Олий Мажлиснинг ролини янада кенгайтириш, фақатгина қабул қилинган қонунлар ижросини текшириш билан чегараланмасдан Вазирлар Маҳкамаси, ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш хусусидаги мулоҳазалари бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумот сўрашган. Учрашувда, шунингдек, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида бўш ётган ерларни ободонлаштириш ва ўз ичига спорт мажмуасини қамраб олган ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш юзасидан ҳам аниқ таклифлар ўртага ташланди.



> ДУНЁДА МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ АСОРАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛМАГАН БИР ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОНДА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИ 17 ФОИЗДАН ЗИЁДГА ОШИРИЛАЁТГАНИ, БИРГИНА БИЗНИНГ ТУМАНДА 4174 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАЁТГАНИ УЧУН ЮРТБОШИМИЗГА МИННАТДОРЛИК БИЛДИРАМИЗ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Пўлат Реймовнинг Нукус шаҳридаги учрашувларида эса асосий эътибор мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар юксак самаралар бераётганига қаратилди.

113-Бешкент сайлов округидан депутатликка сайланган, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Турсуновнинг сайловчилар билан учрашувларида ҳам асосий эътибор Президентимиз маърузаси инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаётимиз ободлиги, соғлом авлод камолотига хизмат қиладиган эзгу ғояларга қаратилгани хусусида сўз юритилди.

Учрашувларда, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, техник ва технологик жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга ошириш, замонавий минитехнологиялар келтираётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашни изчил давом эттириш ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мухтасар қилиб айтганда, O`zLiDeP фракцияси аъзолари бугунги глобаллашув даврида мамлакатимизда кечаётган туб ўзгаришлар моҳиятини сайловчига етказишга ҳаракат қилдилар. Юзма-юз мулоқотлар эса сайловчилар онги ва тафаккури юксалиб бораётганини, эндиликда уларни популистик қарашлар билан чалғитиб бўлмаслигини ҳам кўрсатмоқда. Бу эса депутатларнинг эл-юрт олдидаги масъулиятини янада ошириш баробарида уларнинг қуйи палатадаги фаолиятини янада кучайтириш лозимлигини ҳам англатади.

# Тадбиркор қонунга суянади

2008 йили O`zLiDeP Чилонзор туман кенгаши ташаббуси билан тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, улар учун яратилган имкониятларни кенг тарғиб этиш мақсадида таянч пункти ташкил этилган эди

— Бу тузилма ўз ишини Чилонзор буюм-савдо мажмуасида бошлаганди, — дейди кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Абдинаби Муҳримов. — Маълумки, бозорда савдо қилаётганларнинг ҳаммасини ҳам тўла шаклланган тадбиркор деб бўлмайди. Кимдир соҳага энди кириб келаяпти, кимдир тажриба орттираяпти. Аммо уларни бирлаштириб, фаолиятларини тартибга соладиган бир куч бор. Бу — қонун. Тадбиркорнинг энг асосий ютуғи эса ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла тушунишида. Зеро, мамлакатимизда ҳақиқий тадбиркор, ишбилармонларга йил сайин қулай имкониятлар яратилиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялашга оид ўнлаб Президент фармонлари, қарорлар, қонунлар қабул қилинаяпти. Айрим сайловчилар эса депутатлар билан мулоқотга киришиб, қонунлардан фойдаланиш йўлларини ўрганишаяпти. Муаммоси қонун асосида ечим топган тадбиркор эса албатта кимгадир бу ҳақда гапиради, қарабсизки, ўз-ўзидан қонунни тарғиб қилади.

Ҳа, чиндан ҳам туман кенгашининг 19 нафар аъзоси, иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ҳамда тажрибали тадбиркорлар, ҳуқуқшунослардан иборат гуруҳ бежиз ташкил этилмаган экан. Бугунга келиб «Хирмонтепа», «Бектўпи» «Оқ тепа» маҳаллаларида бу гуруҳ самарали иш олиб бормоқда. Тажрибали ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ҳар ҳафтада битта маҳаллада бўлиб, партиянинг мақсади, қабул қилинаётган қонунлар моҳиятини аҳолига кенг тушунтиряптилар. Гуруҳ аъзолари аёллар саломатлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан ҳам суҳбатлар ташкил этмоқдалар.

Яқинда гуруҳ аъзолари Чорсу бозори ҳудудидаги бино ва хусусий дўконларда ижара тўловининг баландлиги ҳақидаги шикоят-аризани ўрганиб чиқишди. Дорихона қуриш учун ажратилган ерни бошқа бир йирик корхона ноқонуний эгаллаб олгани тўғрисидаги мурожаат ҳам гуруҳ аъзолари аралашуви натижасида тадбиркор фойдасига ҳал этилди. 2013 йили жами 84 та мурожаат тушган бўлса, деярли 80 таси ижобий ҳал этилди.

— Ҳар ойнинг охирги пайшанба ва жумасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Раҳматилла Каримов ва Полянте Свешников ҳам туман кенгаши биносида ўз сайловчилари билан учрашув ўтказишни йўлга қўйганлар, — дейди А.Муҳримов. — Бундай ишлар депутатлар билан сайловчилар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамламоқда.

Мухтасар қилиб шуни айтиш мумкинки, O`zLiDeP Чилонзор туман кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар тадбиркор юртдошларимиз оғирини енгил қилиш, чинакам қонун устуворлигини таъминлашга камтарона ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

**Озода БЕКМУРОДОВА,**
**O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Матбуот котиби.**

## «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

**Қорақалпоғистон Республикаси.** «Аёллар қаноти» томонидан Тахтакўпир туманида ташкил этилган давра суҳбати жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, хотин-қизларнинг бу борадаги ижтимоий фаоллигини ошириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларига бағишланди.
«Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан –мамлакат барқарор» мавзудаги ушбу тадбирда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, хусусан, келажак авлод тарбиячиси саналган хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнингислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтириш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

**Навоий вилояти.** Хотин-қизларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир.
Кармана туманидаги «Машҳура» ўқув марказида бўлиб ўтган тадбир ана шу мавзуга бағишланди. Йиғилишда юртимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётганлиги таъкидланиб, тўпланганларга мавжуд сайлов қонунчилик тизими, шунингдек, унга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

## БЕШ ЮЗ ТОННА ЧЕГАРА ЭМАС

Якунланаётган йилда Қашқадарёда 99 та янги асаларичилик субъекти ташкил этилди ва уларнинг жами сони 472 тага етказилди.
Асалари оилалари сони эса 33000 тадан зиёдроқдир. Тармоқни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан 984,2 миллион сўм кредит ажратилди. 2010 йилда 188 тонна асал етиштирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 500 тоннадан ошди.
Мутахассисларнинг фикрича, воҳа шароитида ҳар бир асалари оиласидан беш мартагача асал олиш мумкин. Фақат бунинг учун асалариларни ўсимликлар гуллашига қараб жойлаштириш керак.
Чироқчи тумани Дам қишлоғида яшовчи Шавкат Ботиров ҳар йили асалчиликдан 20 миллион сўмга яқин соф фойда олмоқда.
Тармоқни ривожлантириш борасида тинмай изланаётган ёш тадбиркор раҳбарлигидаги «Отақул Ботиров» асаларичилик хусусий корхонаси 2012 йилда ташкил топган. Бу ерда 215 асалари оиласи боқилмоқда. Хўжаликда 2012 йилда 5,5 тонна асал етиштирилган бўлса, бу йил 6 тонна маҳсулот тайёрланди.
— Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мутасаддилари жорий йилнинг 22 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган халқаро кўргазма ва конференцияда иштирок этишимга амалий ёрдам беришди, — дейди у. — Кўргазмада 4 хил маҳсулот билан иштирок этдим. Корхонамизда етиштирилаётган янтоқ, пахта, оққурай асалига иштирокчилар катта қизиқиш билдиришди. Асалари гулчанги ҳам кўпчиликка маъқул келди. Маҳсулотларим табиий экани ҳакамлар ҳайъати томонидан эътироф этилиб, махсус диплом билан тақдирландим. Кўргазмада илғор технологияларга асосланган асал маҳсулотларини қадоқлаш ускунаси сотиб олиш бўйича шартнома тузишга эришдим.

**Сайфулла ИКРОМОВ.**

## ПОЙТАХТНИНГ БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН



Пойтахтимизда Янги йил байрамини кўтаринки руҳда, мазмунли ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.
Тасдиқланган режага мувофиқ, жорий йилнинг 28 декабридан 2014 йилнинг 8 январига қадар давом этадиган байрам тадбирлари Мустақиллик майдонидан ташқари «Хадра», шунингдек, Учтепа туманининг Алгоритм даҳасидаги «Roison Elektronics» корхонаси ҳамда Юнусобод туманининг 12-мавзесида (Аҳмад Дониш кўчаси) жойлашган майдонларда ташкил этилади.
Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати хабарларига кўра, мутасадди ташкилотлар зиммасига ана шу майдонларни байрамона безаш, Янги йил дастурларини тайёрлаш, хавфсизлик чораларини кўриш, аҳоли дам олиши учун барча шарт-шароитларни яратиш вазифаси юклатилган.

**Ш.ХЎЖАЕВ.**

**Паркент туманида** ташкил этилган очиқ мулоқот зиммамиздаги вазифаларни яна бир бор таҳлил этишга туртки бўлди.

**Давлатимиз томонидан** яратиб берилаётган имтиёзларни бир пайтлар ҳатто тасаввур ҳам қила олмасдик.

АКС-САДО

## ЭНДИ КЎЧАТ ЭКСПОРТ ҚИЛАМИЗ

**Абдилазиз АБДИЮНУСОВ, «Норчонтол» фермер хўжалиги раҳбари:**

— O`zLiDeP ва Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг кўп тармоқли фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш масалаларига бағишланган амалий мулоқоти Паркентда ташкил этилгани бежиз эмас, деб ўйлайман. Зеро миришкор деҳқону боғбонлари билан машҳур бўлган бу замин айни пайтда пойтахтни ҳам мева-сабзавот билан таъминлайдиган асосий ҳудудга айланди.

Фермер хўжалигимиз 2002 йили ташкил этилган. Асосан мева, узум, шунингдек, мевали дарахт ва ток кўчатларини етиштиришга ихтисослашганмиз. 2013 йилда 170 мингта мевали ва 120 мингта ток кўчатларини парваришлаб, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари деҳқонларига етказиб бердик.

O`zLiDeP ва Фермерлар кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган йирик анжуманда эса фермерлар фаолиятига тааллуқли бир қатор масалалар, муаммолар ҳам атрофлича муҳокама қилиндики, бу биз учун айниқса фойдали бўлди.

Шахсан мени Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори Жаҳонгир Мустафоевнинг жамғарма қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишга ёрдам беришга тайёрлиги, айниқса, хориж давлатларида мева ва токларнинг баъзи навларига эҳтиёж ортиб бораётгани ҳақидаги фикрлари қизиқтириб қолди. Шундан келиб чиқиб, ўз олдимга ушбу жамғарма билан чет эллик фермерларга қандай кўчат турлари зарурлигини аниқлаб, айни ўша навларни экспорт қилишни мақсад қилиб қўйдим.

## БАЙРАМ ЯРМАРКАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Сирдарё вилоятининг шаҳарларида, туман марказларида Янги йил байрами савдо-ярмаркалари ўтказилмоқда.

Ярмаркаларда гўшт, сут, тухум, балиқ, колбаса ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда сотилмоқда. Гулистон шаҳрида ташкил этилган учта ана шундай ярмаркада ўн олти турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари қўйилган.

− Озиқ-овқат ярмаркасидаги маҳсулотларнинг барчаси вилоятимиз тадбиркорлари томонидан тайёрлангани эътиборга молик, − дейди Сирдарё вилояти ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Ҳамид Сайидалиев. Маҳсулотлар чорвачилик, боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари, «Сирдарёбалиқ», «Мирзаобод асл парранда» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда «Сирдарёгўштсутсавдо» корхонаси томонидан етказиб берилмоқда.

**А.МУСТАФОҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири**

БИР ҲОВУЧ ДУР

**Деҳқоннинг ризқи ер билан кучига боғлиқ.**

*Ўзбек халқ ҳикматларидан.*



# ҚОРАБОҒНИНГ ОЙДИН ЙЎЛЛАРИ

*(Очерк)*

***Аваз ака тонг саҳарда дала айлангани чиқиб кетганича, тушликка яқин қайтди. Ҳовли ўртасидаги сўрига ёнбошлаб, бир пиёла чой ичмоқчи бўлиб турганида катта ўғли Баҳодир бир даста газета-журнал кўтариб кириб келди.***

***— Шаҳардан келяпсанми? — деди у ўғлининг қўлидаги газеталарга ишора қилиб.***

***— Йўлда почтачини кўриб қолдим…***

***— Қани, кўрайлик-чи, дунёда нима гап экан, — дея газеталарни бир-бир кўздан кечира бошлади. «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига кўзи тушди-ю, синчиклаб ўқий бошлади.***

***— Айни бизбоп қарор бўпти-ку!***

***У совиб қолган чойини ҳўплаб, ўғлига қаради.***

***— Отам раҳматли «Моли бор уйнинг мойи бор», деган мақолни кўп такрорларди. Аммо имконияти бўлсада, битта сигирини иккита қилолмай ўтганди.***

***— Шунча яйлов бўла туриб-а? — сўради ўғли қизиқсиниб.***

***— Сен у даврларни билмайсан. Сигиримиз туғса хурсанд бўлардигу, аммо боласини кузга бориб сотишга тўғри келарди.***

***— Нега энди?***

***— Солиқ катта эди, ўғлим. Вақтида тўламасанг, молиячилар уйингдаги бузоқни ҳам етаклаб кетаверарди.***

***Аваз ака ўғлининг ҳайрон бўлиб турганини кўриб, давом этди.***

***— Ҳатто ҳовлидаги мевали дарахтларга ҳам солиқ тўланарди ўшанда. Замонамизга минг қатла шукр. Энди солиқ олиш у ёқда турсин, мол боққанга бир талай имтиёзлар ҳам беriляпти. Бир сигир олиб, уч-тўрт йил нонни қаттиқроқ чайнасанг, уйинг молга тўлиб кетади. Қани тур, шийпонга борамиз...***

***Ўша воқеага ҳам тўрт йил бўлди.***

***Бундан бир ойча аввал Оҳангарон туманидаги «Азим ота» фермер хўжалиги раиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Аваз ака Азимов билан суҳбат чоғида Юртбошимизнинг юқоридаги ҳамда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларини яна бир бор ёдга олдик.***

***— Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имтиёзларни бир пайтлар ҳатто тасаввур ҳам қила олмасдик. Ҳозир қайси хонадонга кирманг, уч-тўртта қорамол, ўн-ўн бешта қўй боқилаётганини кўрасиз. Фақат каллани ишлатиб, ҳисоб-китоб билан иш юритилса бас.***

***— Хўжалигингизда қанча одам бор?***

***— Доимий ишловчимиз 16 нафар. Мавсумийларини ҳисобласак, яна шунча қўшилади. 150 гектар ерда ғалла, мева-сабзавот етиштиришнинг ўзи бўлмайди, ахир.***

***— Ўшанда қарор билан танишгач, далага шошилганингиз боиси нимада эди?***

***— Ўғлим билан шийпонга етиб борганимизда ишчилар тушлик қилишаётган экан. Қўлимда газета. Уларга Президент қарорини бошдан-оёқ ўқиб бердим. Кейин кимда қанча мол бор? — деб сўрадим. Ҳисоблаб кўрсак, ўртача бештаданга тўғри келди. Одамлар «раис юқорига ҳисоб берса керак», деб ўйлашаётганини сезиб турардим. Шу боис гапни чўзмай, кўнглимдагини очиқ айтдим.***

***— Бугундан бошлаб ҳеч ким молини сотмайди. Зарурат туғилса, фақат мен билан маслаҳатлашасизлар.***

***— Бирортасини сотиб, қишга ем-хашак ғамламасак бўлмайди-ку, раис, — деди улардан бири.***

***— Бу йилдан бошлаб хўжалик ҳисобидан барчангизга 100 та боғдан беда, 100 тадан сомон пресс бериладı. Йиғимдан аввал экин майдонлари атрофидан ўрилган буғдойнинг дони ҳам, сомони ҳам сизларники. Қолганига ўзингиз ҳаракат қиласиз...***

***— Ҳозир ишчиларингизда ўртача неча бошдан қорамол бор?***

***— Ҳар бирида ўртача 15-20 бошдан мол бор. Сут-қатиқдан келаётган даромад ҳам ёмон бўлмаяпти. Ҳар бир оилада қўлбола сарёғ. Есангиз, мазза қиласиз. Фалон сўм турадиган чет элники унинг олдидан ўтаверсин. Ҳаммадан ҳам сут-қатиққа тўйиб ўсган боланинг илиги бутун, ўзи соғлом бўлади.***

***— Лекин шунча молни эплаш ҳам осон эмасдир?***

***— Ўтган йилдан сотишга «рухсат» берилди, — дейди кулиб Аваз ака. — Энди ҳар йили ярмини сотганида ҳам қўрадаги жониворлар сони камаймайди. Қайтага, сараланиб, зоти яхшиланади.***

***Мана сизга оддий ҳисоб-китоб, деҳқонча дунёқарашнинг амалий самараси.***

***— Бугун Президентимиз ҳисоб-китоб билан яшашни ўргатяптилар. Агар юқоридаги қарорлар бўлмаганида, ўзимиз бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмасдик. Вақт ўтиши билан улар замирида одамлар манфаати мужассам эканини кўпчилик тушуниб етди. Нафақат мен, хўжалигимиз аъзолари ҳам бошқача фикрлай бошладилар...***

***Лекин, афсуски, фермердан фермернинг фарқи бор экан. Уларнинг айримлари сал имконият бўлди дегунчаданғиллама иморат қуради. Қўша-қўша машиналар сотиб олади. Аваз ака эса фермер хўжалиги раиси бўлган дастлабки йилдаёқ янги қишлоқ бунёд этишга киришди. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, деганларидай, ишчилар билан баҳамжиҳат аввал дала шийпони қурилди. Чунки экин майдонлари асосан қишлоқдан узоқда, тоғ ёнбағирларидаги адирликларда жойлашган. Сўнгра катта йўл бўйидаги бўш ётган ерда ҳашар усулида уйлар қурила бошланди. Қарабсизки, бор-йўғи икки-уч йил ичида чиройли бир қишлоқча пайдо бўлди. Ёш болалар қийналмасин, дея ихчам спорт залига эга бошланғич мактаб ҳам бунёд этилди. Фермер 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фахрий ёрлиғи», «Халқ таълими ҳомийси» нишони билан мукофотланди. Орадан бир йил ўтгач, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.***

***— Фермерликка қўл уриб, 2 та «Беларусь», 1 та «МТЗ-82» тракторı сотиб олдик, — дейди Аваз ака. — Беда, ғалла ўрадиган замонавий комбайнларга эга бўлдик. Ғалла, сабзавот маҳсулотлари етиштириш икки баробардан зиёдга ортди.***

***Хўжалик оёққа туриб олгандан буён ҳар бир ишчига йилига ярим тоннадан сара буғдой ва картошка, 250 килодан пиёз тарқатилаяпти.***

***Катта йўл бўйида жойлашган янги қишлоқ гарчи кичик бўлса-да, аммо барча қулайликларга эга. Фермернинг ўзи ҳам шу ерда яшайди. Асли жаннатдай Қорабоғ қишлоғида ўсиб-улғайган бўлса-да, эндиликда бола-чақа, неваралари билан шу ерда қўним топди.***

***— Янги қишлоқни ҳам хўжалигимизга уйқаш — «Азим ота» деб номладик, — дейди Аваз ака. — Аҳоли сони кўпайиб боряпти. Вақти келиб катта бир қишлоққа айланса, ажаб эмас. Шу боис янги иш жойлари барпо этаяпмиз. Насиб этса, бир қатор хизмат кўрсатиш корхоналарини йўлга қўйиш ниятидамиз. Президентимиз қишлоқ мулкдорларига жуда катта имтиёзлар яратиб бераётган бир пайтда биз ҳам шунга яраша иш қилишимиз керак. Шоир йигитимиз Иқбол Мирзонинг «Айтгил, дўстим, нима қилдик, Ватан учун?» дея жуда топиб айтган шеърини ўқиганимдаёқ миямга ундаги савол муҳрланиб қолган. Юрсам ҳам, турсам ҳам хаёлимдан кетмайди.***

***Аваз ака совиб қолган кўк чойни бир ҳўплаб, пиёлани бўшатди. Бир менга, бир Баҳодирга маъноли қараб олди.***

***— Мен энди фермер эмасман.***

***— ?...***

***— Пенсияга чиқдим. Хўжаликни Баҳодир бошқаряпти. Бир пайтлар бригадирликдан воз кечиб, фермер бўлсам-у, замонлар ўзгариб, меҳнатимга куйиб қолмасмиканман, ердан шунча фойдаландинг, энди навбат бошқаларга, дейишса нима қиламан, деб ўйлангандим. Пенсия тараддудига тушганимда раҳбарларга хавотиримни айтсам, роса кулишди. Ер сизники, хоҳласангиз фарзандларингиздан бирига мерос қилиб қолдиришингиз мумкин, дейишди.***

***Суҳбатимиз якунланиб, кетишга изн сўраганимизда Аваз ака бир гапни айтиб қолди.***

***— Фермерларга катта ишонч билдирилаётгани боис қишлоқларимизнинг шаҳардан фарқи қолмаяпти, ҳисоби. Мақолангизда ҳар бир фермер ана шу ишончни оқлаш учун бор имкониятларини ишга солаётганини ёзишни ёддан чиқарманг...***

Темур АБДУРАҲМОНОВ

Реклама ўрнида

# Мижоз манфаати — асосий масала

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг Тошкент вилоят филиали томонидан 2013 йилнинг ўтган ўн бир ойида 203 та кичик бизнес субъектига 44 599,0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди



**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Банк мутахассисларининг фикрича, кредитларнинг 24853,3 млн. сўми қисқа, 19 746,0 млн. сўми эса узоқ муддатлидир. Натижада вилоят ҳудудида 851 та янги иш ўрни яратилган.

Албатта, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида молия муассасалари фаолиятини кучайтириш ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этмоқда. Зеро, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тошкент вилоят филиали жамоаси ҳам ана шундай талаблардан келиб чиқиб, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида хайрли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиляпти.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш айни кундаги долзарб масалалардан бири саналади. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг вилоят филиали мижозлари орасида ҳам тадбиркор опа-сингилларимиз кўпчиликни ташкил этади. Ўз вақтида кўрсатилаётган моддий ёрдам туфайли улар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, амалдаги йилда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 2396,0 млн. сўм миқдорида сармоя йўналтирилди.

Шу ўринда яна бир хайрли амални алоҳида таъкидлаш жоиз. Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун барча молиявий имкониятлар сафарбар этилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида 5756,1 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағи ана шу мақсадлар учун йўналтирилганлиги фикримиз далилидир. Банкнинг молиявий кўмаги билан вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳам ривожланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 6861,1 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Вилоят ҳудудидаги кам қувватли корхоналар, бўш турган ёки қурилиши тугалланмаган объектларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам банк мутасаддилари диққат марказида турибди. Жумладан, «Биг Маг плюс» масъулияти чекланган жамиятига янги, замонавий технологик ускуналар харид қилиш учун 345,0 млн. сўм кредит ажратилди. Ҳозирги кунда бу ерда юқори сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. «Дамас Транс» корхонасига эса шаҳар ва унинг атрофида хизмат кўрсатишга мўлжалланган «Исузу» русумли 5 та автобусни лизинг асосида олишда ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, «Чирчиқ асфальт-бетон сервис» ҳамда «Орзу олтин ёғ» корхоналари ҳам банк кредити эвазига оёққа туриб олди. Қолаверса вилоятдаги кўп қаватли уй-жойлар муҳандислик тармоқларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва бошқарув компаниялари фаолиятини такомиллаштириш учун 447,0 млн. сўм миқдорида сармоя ажратилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Маълумки, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг вилоят филиали ҳам бу борада янги оила қурган ёшларга камарбаста бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 146 та ёш оилага 2094,3 млн. сўм миқдорида кредит ажратилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Шунинг 557,8 млн. сўми истеъмол кредити бўлиб, 1380,5 млн. сўми эса микрокредитдир.

Дарҳақиқат, банк жамоаси вилоятда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, турмуш фаровонлигини ошириш йўлида астойдил хизмат қилаяпти. Бу эса янгидан-янги ютуқларга замин бўлаётир.



**Қатнашчилар**
«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга муфассал жавоб олдилар.



**БПТ аъзолари**
янги йилда ҳам оилавий корхоналар очиш, аҳолининг бандлик даражасини оширишга астойдил ҳисса қўшишга келишиб олдилар.


КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ташкилотларида

52 (528)-СОН, 2013 ЙИЛ 26 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА


# Энг муҳими — электорат ишончини қозониш

**Якунланаётган «Обод турмуш йили»да O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди**


**Алишер РЎЗИЕВ,**
O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши раиси биринчи ўринбосари


Ушбу жараёнда жами 21 минг 114 нафар сафдошимизнинг 15 минг нафардан зиёди фаол иштирок этди. Қизғин баҳс-мунозаралар, ўз-ўзини танқид руҳида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида эса 399 нафар етакчи қайта сайланди. 64 нафар БПТ раисининг фаолияти қониқарсиз, деб топилди. Жойларда бир қанча янги бошланғич ташкилотлар тузилди. Қумқўрғон туманидаги «Аъзамбой Очилбой» хусусий, «Қумқўрғон шифер савдо» оилавий корхоналари, «Жайлов Ҳожибобо», Шўрчи туманида фаолият юритаётган «Оққамар» ва «Қўлдош» МФЙ ҳамда «Хуррамбобо» фермер хўжаликлари, шунингдек, Термиз шаҳридаги «Покиза» МЧЖ, «Марказий деҳқон озиқ-овқат бозори» МЧЖ ва вилоят «Микрокредит» ОАТБ-да 30 дан зиёд аъзони бирлаштирган БПТлар, Музработ, Бойсун, Термиз, Шеробод, Сариосиё ва Узун туманларидаги қуйи бўғинлар иши ҳам нисбатан жонлантирилди.

Йил давомида «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, O`zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифалари аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинди. Айни пайтда эса тадбиркор ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни хусусий секторга жалб этиш масалалари жойларда ўтказилаётган тадбирларимизнинг асосий мавзусига айланган. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари моҳиятини кенг тушунтириш ҳам самарали ташкиллаштириляпти.

Масалан, Ангор туманидаги «Гиламбоп» хусусий корхонасида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот ташаббуси билан депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирокида тадбиркор ва ишбилармонларга фракциямизда муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари хусусида атрофлича маълумотлар берилди. Термиз шаҳридаги Санъат касб-ҳунар коллежида эса «Мамлакат барқарорлиги маҳалладан бошланади» мавзуида тадбир ўтказиб, унда шаҳар партия ташкилоти ходимлари, депутатлар, мазкур таълим маскани ўқитувчилари ва талабалари ҳамда «Алпомиш», «Гулистон», «Боғишамол», «Озодлик» МФЙлари оқсоқоллари иштирокида партиявий лойиҳаларни янада такомиллаштириш масалаларини кўриб чикдик.



Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси А.Тошқулов иштирокида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, унда назарда тутилган имтиёзлар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва иш юритиш услубиёти бўйича иштирокчиларга маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Фракция аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Оилавий корхона – мустаҳкам оила пойдевори» мавзуидаги мулоқотда ҳам кўп сонли қатнашчилар «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга муфассал жавоб олдилар.

Мухтасар қилиб айтганда, якунланаётган йилда O`zLiDeP вилоят кенгаши либерал-демократикислоҳотлар моҳиятини кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшлар ва аёлларга тушунтириш, шу орқали партиянинг мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этишга ҳаракат қилди. Зеро дастурий мақсадларимизни кенг тарғиб этиш орқали электоратимиз сафларини янада кенгайтириш, ишончини қозониш олдимизда турган энг муҳим вазифадир.

## ОРАМИЗДА ЧЕВАРЛАР ҲАМ, САНАМЛАР ҲАМ БОР



Қашқадарё вилоятидаги қуйи бўғинлар сафига «Тикувчи санамлар» ва «Чевар тикувчилар» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда «Лола жаҳон маликаси» хусусий корхонасида иш бошлаган бошланғич ташкилотлар ҳам қўшилди.
— Мақсадимиз кенг кўламли ислоҳотлар, жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнларида фаол иштирок этишдан иборат, — дейди «Чевар тикувчилар»даги БПТ раиси Гулруҳ Зарипова. — Бунинг учун эса партия фаолларидан ташаббускорлик, тинимсиз изланиш, ўз билим ва малакасини ошириб бориш талаб қилинади. Аъзоликка қабул қилишда ҳам ана шундай иқтидор ва салоҳият соҳибларини танлашга катта эътибор қаратилгани бежиз эмас.

## ОИЛАВИЙ КОРХОНА – ФАРОВОН ТУРМУШ ОМИЛИ

«Риштон Савдо Инвест» МЧЖда иш олиб бораётган БПТда ушбу мавзуга оид давра суҳбати ўтказилди.
— Саксон саккиз нафар маслакдошимиз қатнашган тадбирда асосий эътибор оилавий корхона ташкил этиш, бу борада қонунчиликда яратилган имтиёз ва имкониятларга қаратилди, — дейди қуйи бўғин етакчиси Муҳаммадали Аҳмадалиев. — 2013 йили туманда 30 дан ортиқ оилавий корхона ўз фаолиятини йўлга қўйди ва юзлаб янги иш ўрни яратилди. БПТ аъзолари янги йилда ҳам оилавий корхоналар очиш, аҳолининг бандлик даражасини оширишга астойдил ҳисса қўшишга келишиб олдилар.

## АНДИЖОНЛИКЛАР БАЙРАМНИ БОШЛАБ ЮБОРДИЛАР



Андижонликлар «Соғлом бола йили»ни муносиб кутиб олишга киришдилар. Хусусан, шаҳар марказининг 17 та даҳасида «Она замин саховати» савдо-ярмаркаси ташкил этилди. Унда деҳқон ва фермерлар озиқ-овқат, дон, гўшт, сут, асал, узум, полиз ва сабзавот маҳсулотларини бозор баҳосидан 30 фоиз арзон нархларда сотмоқдалар.
— Шаҳримиз аҳли ва меҳмонларига 30 тоннадан ортиқ маҳсулот сотдик, — дейди «Андижон балиқ» МЧЖ раҳбари Бахтиёр Рўзиматов. — Байрамгача яна 40 тонна балиқ етказиб беришни режалаштирганмиз.
Савдо ярмаркасига ҳамоҳанг равишда ўтказилаётган концерт дастурлари ва театрлаштирилган томошалар эса тадбирни ҳақиқий байрамга айлантиряпти.

**Аҳрoржон МУСУРМОНОВ.**

## БИРЛАШИБ ДАРЁ БЎЛУР...

Хатирчи туманидаги Хонақоҳ МФЙда иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотида қуйи бўғинлар олдида турган энг долзарб масалалар муҳокама қилинди.
— Халқ депутатлари Хатирчи туман кенгаши депутатлари, банклар, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ва ҳокимлик вакиллари иштирок этган тадбирда 500 нафар партия аъзосини бирлаштирган 29 та қуйи бўғин фаолияти таҳлил этилди, — дейди БПТ раиси, қишлоқ врачлик пункти мудири О.Қаюмов. — Жойларда тадбиркорлар, фермерлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим камчиликларни бартараф қилишда ҳам БПТларнинг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлигини кучайтириш талаб этилмоқда. Мулоқот давомида бу борадаги ишларни такомиллаштириш юзасидан кўплаб таклифлар билдирилди. Улар БПТ фаоллари томонидан сараланиб, мақбул топилганлари юқори партия ташкилотига тақдим этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Партиявий лойиҳалар

**Пойтахтимизда O`zLiDePнинг 26019 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг қарийб 54 фоизи навқирон авлод вакилидир. Мавжуд 942 та БПТнинг 185 тасига ҳам 34 ёшгача бўлганлар етакчилик қилишмоқда**


**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI asr»


O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгашининг «Ёшлар қаноти» раҳбари Мастура Ҳаитованинг фикрича, 2013 йилда ҳам «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним» каби партиявий лойиҳалар ёшлар учун ўзига хос майдонга айланди.

— Масалан, 2012 йил «Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси доирасида ўтказилган «Агар мен депутат бўлсам...» кўрик-танловида 60 нафар йигит-қиз қатнашган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич салкам 100 нафарни ташкил этди. Тўрт йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган мазкур кўрик-танловнинг пойтахт босқичида уларнинг 11 нафари ғолиблик учун курашди.

— Эътиборли томони, 11 нафар иштирокчи орасидан ғолибларни танлаш жуда қийин кечди, — дейди Ҳакамлар ҳайъати аъзоси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Ойгул Саттарова. — Чунки номзодлар ҳам билим, ҳам ишбилармонлик борасида бир-бирларидан қолишмасдилар. Бу ҳам бўлса, O'zLiDeP лойиҳалари мамлакатимиз келажагини ишониб топшириш мумкин бўлган ёшларни кашф этишга хизмат қилаётганини англатади. Танлов ғолиблари рамзий маънода «Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати», «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати» номинациялари бўйича аниқландилар. Шунингдек, «Энг яхши маъруза», «Энг яхши таклиф» номинациялари бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилганди.

Биринчи ўрин «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг Ахборот тадқиқотлари бўлими етакчи мутахассиси Бахтиёр Ғуломовга насиб қилган бўлса, кейинги ўринларни тегишли равишда Тошкент автомобиль ва йўллар институти Автомобиль транспорти эксплуатацияси фукультети иш юритувчиси Муҳаммадазиз Отажонов ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети талабаси Малоҳат Мансурова қўлга киритди.

— Уч йилдан буён «Ёшлар қаноти» лойиҳасида фаол қатнашаман, — дейди Бахтиёр Ғуломов. — Лойиҳанинг Шайхонтоҳур туман босқичида ғолиб чиқиб, Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олдим. 2009 йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига ўтказилган сайловларда иштирок этган номзодларнинг дастурлари, шунингдек, партиямизнинг Сайловолди платформаси билан яқиндан танишишим пойтахтда ҳам биринчи бўлишимга имкон берди.

### O'ZLIDEP уставидан

**«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ТАШАББУСКОР ВА ИШЧАН БЎЛИШИ, ПАРТИЯНИНГ ТАКТИК ВАЗИФАЛАРИГА МУВОФИҚ ИШ ШАКЛИ ВА УСЛУБЛАРИНИ ТЕЗ ЎЗГАРТИРИШ ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА БЎЛИШИ ВА АҲОЛИНИНГ ДОЛЗАРБ, КУНДАЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА АМАЛИЙ ТАДБИРЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ КЕРАК».**

## ЧИЛҚУДУҚЛИКЛАР ТАШАББУСИ

Якунланаётган йилда халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши депутати Соли Бозоров билан «Чилқудуқ» МФЙда иш олиб бораётган БПТ аъзолари ҳамкорлигида яна битта муаммо ижобий ҳал этилди. Узоқ вақт шаҳарнинг Хишрав қўрғонида жойлашган Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида талабалар ва шу ҳудуддан қатновчи кишилар учун транспорт хизмати кўрсатиш масаласи ҳал этилмаётганди.
— Депутат билан биргаликда тегишли идораларга мурожаат қилдик, — дейди БПТ етакчиси Гулбаҳор Усмонова. — Натижада Сартепа масканидан Хишрав қўрғонининг Сўлим шаҳарчасига 5 та «Дамас» русумли автомашина қатнай бошлади. Шу тариқа 2000 нафардан зиёд аҳолининг узоғи яқин бўлди. Қолаверса, мазкур ҳудудларни боғловчи 4 км. йўл ҳам таъмирдан чиқарилди.
Бундай долзарб масалаларни БПТ йиғилишларига олиб чиқишда Малоҳат Ҳамидова, Шоҳида Хушбақова, Азиза Жамолова каби сафдошларимиз яқиндан ёрдам беришяпти.

Муҳаббат РАВШАНОВА.

## БПТ ДАСТУРНИ ЭСГА СОЛДИ

Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида 294 нафар O`zLiDeP аъзосини бирлаштирган 12 та бошланғич ташкилот иш олиб бораяпти.
Яқинда тиббиёт бирлашмасидаги қуйи бўғин аъзолари шаҳар кенгаши депутати Муродилло Аҳмедовга мурожаат қилиб, 2008-2012 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига асосан эски шаҳарда 2 та оилавий поликлиника қуриш белгиланган бўлса-да, ҳанузгача ишлар бошланмагани учун шу масалани назоратга олишни илтимос қилдилар.
Шундан кейин мазкур масала шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида муҳокама қилиниб, шаҳар кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш бўйича доимий комиссияси ҳамда мутасадди ташкилотлар муҳокамасига киритилди. Тегишли ташкилотларга эса депутатлик сўровлари жўнатилди. Бухоро вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари эса депутатлик сўровига жавоб қайтариб, оилавий шифохоналар қуриш режага киритилгани ва бу борада тайёргарлик ишлари олиб борилаётганини маълум қилдилар.
— Қуйи бўғин аъзолари ташаббуси билан депутатлик гуруҳи йиғилишларида банк ва солиқ идоралари раҳбарларининг ҳам ҳисоботлари эшитилаяпти, — дейди М.Аҳмедов. — Натижада ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, жумладан, мулкдорларга имтиёзли кредитлар ажратиш масалалари ижобий ҳал қилиняпти. Бундан ташқари бошланғич ташкилотларимиз бандлик масаласини ҳам доимо назорат қилмоқдалар.

Лутфия ХАЛИЛОВА,
O`zLiDeP Когон шаҳар кенгаши
БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти.




«O`ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ОБУНА»
акциясида қатнашинг ва
XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетасига
ОБУНА бўлинг!
*Мурожаат учун телефон:*
*(8-371) 215-63-80*



Саҳифани Носир ТОШЕВ, Беҳзод ИСРОИЛОВ тайёрлади.

«XXI ASR» 52 (528)-сон, 26.12.2013 йил, пайшанба, web sayt: www.21asr.uz







ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

**«ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ**

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Олтинкўл туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2013 йил 10 июндаги 5-сонли йиғилиш баёнига асосан аукцион савдосига туман сув хўжалиги бўлимига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1997 йилда ишлаб чиқарилган «ТИКО» русумли давлат белгиси 60 472 NAA бўлган автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси — 2784167 (икки миллион етти юз саксон тўрт минг бир юз олтмиш етти) сўм;**
2. 1997 йилда ишлаб чиқарилган «ТИКО» русумли давлат белгиси 60 475 NAA бўлган автотранспорт воситаси, **бошланғич бахоси — 2784167 (икки миллион етти юз саксон тўрт минг бир юз олтмиш етти) сўм;**
3. 2000 йилда ишлаб чиқарилган «ДАМАС» русумли давлат белгиси 60 492 QAA бўлган автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси — 4945000 (тўрт миллион тўққиз юз қирқ беш минг) сўм;**
4. 1987 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ 5204» русумли давлат белгиси 17 AO 766 бўлган автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси — 1529300 (бир миллион беш юз йигирма тўққиз минг уч юз) сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 25 январь куни соат 11.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2014 йил 27,29,31 январь кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хонада бўлиб ўтади.
Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгор ёки харидорлар Олтинкўл туман сув хўжалиги бўлими ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдорида гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 20208000904456131001 ҳисоб рақамига, МФО: 00074, ИНН: 205987298 тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) кун олдин соат 18.00 га қадар Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хонада қабул қилинади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилишлари лозим.

**Қўшимча маълумот учун манзил ва телефон: «ARSH SAVDO-ELIT»МЧЖ**
**Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хона. Тел: (+99891) 606-88-81, (+99890) 269-88-81.**
Хизматлар лицензияланган. Гувоҳнома № 00126



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

# «АСАКА» БАНК (ОАЖ)

***Сизларни яқинлашиб келаётган 2014 йил билан табриклайди ва миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.***

## ЯНГИ ЙИЛ 2014

**Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.**

***Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун «Асака» банк ОАЖ филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.***

| ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Сергели филиали | 371 | 258-67-49 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 | Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
**— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
**— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
**— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
**— миқдори чекланмаган!**

**«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

Хизматлар лицензияланган.

# «БУЛУНҒУР АВТОЙЎЛОВЧИТРАНС»

## масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Ўзбекистон халқини
Янги йил байрами муносабати билан
самимий табриклайди ва
ўз эзгу тилакларини изҳор қилади.
Келаётган йил ҳар биримиз учун
қут-баракали йил бўлсин!

***Сизларга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик истаб,
Янги йилда барча
эзгу ниятларингиз
ушалишига тилакдошмиз.***



# Андижон туманидаги «ГУЛСУМ» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси

*азиз юртдошларимизни
кириб келаётган
Янги йил байрами
билан табриклайди.
2014 йил Сизларга ва оила
аъзоларингизга
бахт-саодат, тинчлик-омонлик
ҳамда фаровонлик олиб келсин!*





Қутлов







Гидрометеорология марказининг хабар беришича, якунланаётган йилнинг сўнгги ҳафтасида Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, вақти-вақти билан қор ёғиши, баъзи жойларга туман тушиши кутиляпти. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 10-15 даража, кундузи 3-8 даража совуққача ўзгариб туради. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 3-8 даража, 27-29 декабрь кунлари баъзи жойларда 10-15 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлиши мумкин. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 0-5, дам олиш кунлари 3-8 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ атрофида бўлади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда термометр миллари кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 5 даражагача илиқ бўлишидан дарак бермоқда. Республикамизнинг шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида кечаси 3-8 даража совуқдан кундузи 0-5 даража илиққача кўтарилади. Тоғли жойларда ҳарорат кечаси 10-15 даража, кундузи 3-8 даража совуққача ўзгариб туради.

Реклама




## БОЙ ФЕРМЕРЛАРГА — ҚИММАТ ТРАКТОР

**Италиянинг қимматбаҳо суперкар (катта тезликда ҳаракатланадиган спорт автомобиллари) ишлаб чиқарадиган «Lamborghini» компанияси Ҳиндистонда ташкил этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркасида янги русумдаги тракторни намойиш қилди.**

**Маълумотларга кўра, компания 46,5 от кучига эга бўлган замонавий дизайндаги, шунингдек, юқори қувватли ҳайдов тракторларини бадавлат фермерларга сотишни режалаштираётир.**

**Шу ўринда компания ҳозирга қадар «Deutz-Fahr» русумли бошқа хилдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини ҳам ишлаб чиқарганини, 2013 йилнинг тўққиз ойида ҳиндистонлик талабгорларга икки мингдан ортиқ, бошқа мамлакатларга эса тахминан тўрт мингта трактор сотганини айтиб ўтиш лозим.**

Ш.ХЎЖАЕВ.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши O`zLiDeP Сергели туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Раҳим Нуркуловга падари бузруквори **Бектош ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Реклама







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИРИЯТ: Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАЖАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.

БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 8829 Тираж: 15977
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Газетанинг навбатдаги сони 2014 йил 9 январда чоп этилади.

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Н.ТОШЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.